

Матнда прагматика ва семантика талқини

(Самадова Ч.Б. ҚаршиДУ магистранти)

“Прагматика” (юнонча pragma-иш ҳаракат) аслида фалсафий тушунча бўлиб, у Сократдан олдинги даврларда ҳам қўлланишда бўлган ва кейинчалик уни Ж.Локк, Э.Кант каби файласуфлар Арестотельдан ўзлаштирганлар. Шу тариқа фалсафада прагматизм оқими юзага келди. Бу оқимнинг асосий тараққиёт даври ва унинг тарғиботи 20 асрнинг 20-30 йилларида сезила бошлади. Фалсафий прагматизм оқимнинг лингвистикада ўз аксини топишда Амеркалик олим Ч.Пирснинг ҳиссаси катта. Ушбу фалсафий тизмнинг асосий ғояси семиотик белгининг (жумладан лисоний белгининг ҳам) маъно-мазмунини ушбу белги воситасида бажарилаётган ҳаракатнинг самараси, натижалари, мувоффақияти билан боғлиқ ҳолда ўрганишдир [31, 37-38]. Ч.Пирс семиотика доирасида уч илмий соҳа-синтактика, семантика ва прагматикани мустақил йўналишлар сифатида ажратади. Унинг таърифича синтактика “белгиларнинг ўзаро синтактик муносабатларини уларнинг объект ёки интерпретатор-тавсифловчига бўлган муносабатларидан ажратган ҳолда ўрганишдир”, семантика эса “белгиларнинг ўз десигнатлари, яъни улар воситасида ифодаланаётган объектга бўлган муносабатини” таҳлил қилади ва ниҳоят, прагматика “белгининг ундан фойдаланувчи-интерпретаторга нисбатан муносабатини ёритувчи фандир”[28, 40].

Десигнат-белги ифодаладиган объектлар синфи, денотат эса ушбу синф аъзоси.

Прагматика семантика ва синтаксис соҳаларида ўрганиладиган масалаларни қамраб олади ва ўзига хос умумлаштирувчи соҳа вазифасини ўтайди Н.Чомский лисоний фаолиятни қобилият ва унинг нутқий ижросидан иборат (competence and performance) икки қисмли ҳодиса деб қарайди. Прагматика фақатгина performance, яъни ижро қилишга оид деб қарайди. Ш.Сафаров эса прагматик назария сўзловчи ва тингловчиларнинг гап белгисининг матнга пропозиция билан мос келиши деб изоҳлайди [31, 43].

Прагмалингвистик назария ҳам функционализмни четлаб ўта олмайди. Мулоқат фаолияти таҳлилига лисоний тизмнинг фуқционал хусусиятлари нуқтаи назаридан ёндашмасак, прагмалингвистиканинг тарифини очиб бериш қийин [32, 62]. Ж.Лайонз бир томондан матн-гап ва тизим-гап, гап-тил ва гап белги ҳамда иккинчи томондан, нутқий бирликлар бўлган нутқий акт ва нутқий ҳосила, нутқий белги ва тил ҳодисаларни фарқлашни таклиф этишади [50, 64]. Бу эса, ўз навбатида, гап маъносини семантиканинг объекти ва нутқий бирлик маъносини прагматика объекти сифатида қарашга сабаб бўлади.

Прагмалингвистика тадқиқот предметининг кенг миқёсда тасаввур этилиши ушбу соҳанинг турли йўналишларда тараққий этишини тақазо этади. Натижада, “прагмалингвистиканинг нутқий акт назарияси,

прагмасемантика, прагмастистика каби ўз “ички” соҳалари юзага келди” [31, 70].

“Семантика-тил тизими бирликларининг доимий “мулкидир”. Прагматик хусусиятлар кўплаб, қатор қўлланишлар маҳсули сифатида юзага келади ва мавжуд бўлади”[29, 17]. Демак, лингвистик бирликларнинг аниқ ва воқеъ мулоқат шароитида қўлланиши прагматик таҳлил объектидир. Прагматик прессупозиция ҳодисаси нутқий ҳаракатнинг самарадорлиги, мулоқат иштирокчиларининг ахборот мавзуси ва у ҳақидаги билими ҳамда коммуникатив фаолиятнинг ички ва ташқи шарт-шароитларининг когнитив идроки асосий ўрин эгаллайди [31, 120].

Типологик нуқтаи назардан кўплаб концепт унверсалияларнинг индивидуаллашуви бир биридан фарқ қилади. Уларнинг семантик составида қуйидаги асосий фарқлар кузатилади: 1) “дискурслар аро метаморфозаларда” бир бутунлигини сақлаган ва концептнинг қариндошлик идентификациялашда муҳим ўрин тутадиган ҳамда тушунчавий, рационал-дискурсивликни барча белгиларини қамраб оладиган; 2) семантик кўчма моделларда мавҳум борлиқни метафорик-образли, эмоционал-ҳиссиётни ифодаловчи бирликлар киради; 3) маълум бир тилдаги концепт ва унинг вербаллашиш усуллари қамраб оладиган шакллар билан боғлиқ “тушунчавий”, “тил системасини ташкил этувчи” бирликлар ташкил қилади [11, 8-93]. Келтирилган мазкур семантик прототиплар тиллар аро ёки маълум табиий тиллардаги лингвокултурологик концептларни типологик қиёслашда муҳим воситалар бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Тиллар орасидаги қиёслашда ўзига хос ўрин тутадиган предмет-концептларнинг таққосланиши концептларнинг вербаллашуви, лингвомаданиятларнинг этнологик хусусиятларини очиқ беришда муҳим ўрин тутайди. Бу таққослаш жараёнида биринчидан, семантиканинг референциал ва прагматик хусусиятлари ажратилади ва таққосланаётган тиллардаги эквивалентлари олинади. Тилларнинг лексик тизимини қиёсий тадқиқ этишда бир маъноли лексик бирликларнинг қўлланилиш қонуниятлари ва “грамматик нутқ”нинг ҳосил бўлишида ҳар бир тилга хос бўлган маълум бир маъноларнинг функционал семантик вербаллашувига қаратилиши лозим [14, 6-7]лиги В.Г.Гак томонидан таъкидланади. Қиёсланаётган тилларда қиёсланиш учун олинган объект ҳам муҳим ўрин тутайди. Жумладан қиёсий типологик тадқиқ учун олинган объект ушбу тилларда бирор лингвистик майдонда олиб борилиши зарур. Албатта танланган объект ўзига хос назарий аҳамиятга эга бўлиши даркор. Тадқиқотларни қайси тил сатҳларида олиб борилиши хусусида таниқли ўзбек типологи Ў.Қ.Юсупов ўз фикрларини айтиб ўтади: “Тилларни назарий мақсадларда лексик сатҳда қиёслаш барча боғланишга эга бўлган лексик парадигматик гуруҳлар структураси ва инвентари, семантик ва ассоциатив майдонлар, лексик-семантик гуруҳлар, синонимик қаторлар, антонимик жуфтликлар ва эквивалент сўзларни тақазо этади”[38, 58].

Тил тизими турлича сатҳлардан иборат бўлишига қарамасдан, қиёсий типологик жиҳатдан ўрганишда тадқиқотчиларнинг диққат марказида гап

асосий ўринни эгаллайди. Гап тузулиши ўз структурасига кўра барча тилларга хос бўлгани билан улар турли тилларда ҳар хил структура ҳосил қилиши мумкин. Ўз ўзидан маълумки, бундай ҳодисалар қиёсий типологик жиҳатдан таҳлил қилишда кўзга ташланади. Хусусан тушунчавий структура категориясини ташкил этадиган семантик майдон таққосланадиган тиллардаги майдоннинг барча сатҳлари учун умумий ҳисобланади [13]. Семантик майдонда тиллар ўртасидаги ўхшашлик ва ноўхшашлик ҳодисалари намоён бўлади. Албатта семантик майдон ва прагматик тушунча кўпгина ҳолларда чалкаш изоларга дуч келинади. Прагматик лингвистикада муҳим ўрин тутадиган тушунчалардан бири бу дискурс тушунчаси ҳисобланади. Дискурс тушунчаси лингвистик атама сифатида ўтган асрнинг ўрталарида тилшуносликка кириб келди. Тилшуносликда у дастлаб гап ёки нутқда боғланилган ва келишилган оқибат сифатида тушунилган бўлса, замонавий лингвистикада мураккаб коммуникатив ҳодиса сифатида ишлатилмоқда. Дискурс атамаси наздида бирор бир информация, маълумот ёки мазмун ифодасини етказиш назарда тутилади. Информация эса умумий маънода ахборот етказиш маъноси тушунилади [34, 32].

Тилни прагматик нуқтаи назардан тадқиқ этишга бағишланган ишларда дискурс атамаси саккиз хил маънода қўлланган: 1. Сўз муқобили; 2. фаразлардан ўлчами бўйича ўтадиган бирлик; 3. Нутқ вазияти ҳисобга олинган ҳолда фикрнинг адресатга таъсири; 4. Сухбат; 5. Нутқда сўзловчи позицияси; 6. Лингвистик бирликлардан фойдаланиш; 7. Матн ҳосил бўлиш шартларини тадқиқ этишга мўлжалланган наърий қурилмалар [27, 3]. Дискурс атамаси субъектив, ижтимоий-маданий, шунингдек, стереотип, преседент (намунали) фикрлар, монолог ва диалог кўринишидаги нутқий фаолият жараёнини ифодаловчи тушунчаларни қамраб олади. Амалда дискурс-бу матннинг шаклланиш усулидир.

Дискурс илмий атама сифатида синтактик, семантик ва прагматик хусусиятга эга. У синтактик жиҳатдан ифода плани, яъни структурасига, семантик жиҳатдан мазмун-маъно планига, прагматик жиҳатдан эса перлокутся-хабар планига кўра турли фикрлар, нутқий актлардан ташкил топган фаолият сифатида тавсифланади.

Дискурс - бу тил бирликларининг маълум вақтда ва маълум жойда маълум мақсад билан қўлланиши, уларнинг изчил боғланишидир [15, 13]. Функционал лингвистикада функционал-структураллилик, жараён-натижа, динамиклик-турғунлик, фаоллик каби дискурс / матн мезонларини белгилашда қарама-қаршиликка асосланган оппозицион ёндашув етакчилик қилади [27, 30]. Шунга кўра “матн-натижа” тузилиши ва функционал “дискурс-жараён сифатида” кўриниши ўзаро мувофиқ келади.

Кўриниб турибдики, дискурс атамасига аталган изоҳлар бевосита аспектualликга тегишли бўлган, жараён-натижа, динамиклик-турғунлик, фаоллик каби хусусиятлар билан ҳам бевосита алоқага эга. Шунинг учун ҳам аспектual назарияларни контекст (гап) доирасидан ташқарида, матн билан алоқадорликда тадқиқ этиш вақти келди. Бу ҳол аспектualликнинг универсал ҳодиса сифатид ҳар қандай тил доирасида тадқиқ этиш имконини яратади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Апресян Ю.Д. Дейксис в лексике и грамматике и наивная модель мира // Семиотика и информатика, 1986. Вып. 28. С. 5 – 33.
2. Белошапкова Т.В. Когнитивно-дискурсивное описание категории аспектуальности в современном русском языке. Автореф.док.фил.наук. Москва, 2008. -40 с.
3. Богданов В.В. Соотнесенность семантического и прагматического компонентов в высказывании // IV Міжнародна конференція “Франція та Україна”. Матеріали. Том I, ч. I. — Дніпропетровськ: Поліграфіст, 1997. — С.11-12.